

Хотин-қизлар ишсизлиги юқориилигича қолмоқда — Танзила Норбоева

Хотин-қизлар құмитаси раиси 10 минг нафарға яқын оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар бандлиги таъминланғани ва бунга 38 млрд. 261 млн. сүм маблағ йўналтирилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар құмитасининг 2014–2018 йиллардаги фаолияти якунлари ва келгусидаги вазифалари сархисоб қилинди. Бу ҳақда құмитаси матбуот хизмати «Газета.uz»га маълум қилди.

Ушбу тадбирда Хотин-қизлар құмитаси раиси Танзила Норбоева маъруза қилди.

«Ўзбекистонда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири, ҳалқ турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида белгиланган. Жорий йилнинг ўзида бандлик дастурлари асосида яратилган иш ўринларига хотин-қизлар құмиталари ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан уйма-уй юриш орқали аниқланган 245 минг нафар ишсиз хотин-қизлар ишга жойлаштирилди.

2018 йилдан бошлаб президентнинг фармони билан оғир турмуш шароитида яшаётган ҳамда ногиронлиги бўлган аёллар, айниқса ёш хотин-қизлар бандлигини таъминлаш құмитанинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Бу борада маҳаллалар кесимида манзилли рўйхатлар шакллантирилиб, алоҳида дастур асосида 10 минг нафарға яқын оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар бандлиги таъминланди ва бунга 38 млрд. 261 млн. сүм маблағ йўналтирилди.

Хотин-қизлар құмиталари ташаббуси билан бўш биноларни қайта таъмирлаш ва ишга тушириш ҳисобига 2 минг 300 тадан ортиқ кичик цехлар ташкил этилиб, 16 минг нафарға яқын хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди", — деди Танзила Норбоева.

Хотин-қизлар құмитаси раиси шунингдек аёллар учун банқдан ажратилаётган кредит масаласига ҳам тўхталиб ўтди. «Тегишли қарорлар билан тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга кредитлар ажратиш тизими тубдан ўзгартирилди. Яъни, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратиш оҳирги икки йилда 2 баробарга оширилди. Айниқса, йиллик 7 фоизлик имтиёзли кредитлар бериш тизими жорий этилди. Масалан, 2014–2016 йилларда тижорат банклари томонидан хотин-қизларга тадбиркорлик фаолияти учун жами 3,8 трлн. сүм кредит ажратилган бўлса, 2017–2018 йилларда 6,1 трлн. сүм кредит ажратилган.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ташкил этилганлиги Қўмиталарнинг аёллар бандлигини таъминлашда бевосита иштирок этиш имкониятини яратиб берди. Хотин-қизлар қўмиталарининг тавсияномалари асосида Фонд маблағлари ҳисобидан йиллик 7 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратиш тизими жорий этилди, жорий йилнинг ўзида 100 млрд. сүм маблағ йўналтирилди. Бу эса аёлларнинг оиласдан, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда ҳунармандчилик, касаначилик, томорқачилик билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратмоқда", — деди у.

Танзила Норбоева шунингдек хотин қизларни иш билан таъминлаш масаласида муаммолар борлигини билдириди. «Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида кўрилаётган чораларга қарамасдан меҳнат бозорида хотин-қизлар ишсизлиги ҳали юқориилигича қолмоқда. Хотин-қизлар құмитасида аёллар бандлигини таъминлашда, бу борада жамоатчилик назоратини олиб боришафаоллик ва талабчанлик этишмаяпти.

раҳбарлари билан яқин ҳамкорликда ишлаш масаласига Құмиталар томонидан етарли әътибор қаратылмаган.

Ишсиз аёллар билан якка тартибда ишлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, яратилған имтиёзлардан фойдаланиш бүйіча маслаҳат-ахборот беріш ишлари қониқарсиз ташкил әтилгандын натижасыда қарийб 240 минг нафардан зиёд аёллар ишлаш учун хорижий давлатларга чиқиб кетген. Фарғона ва Наманган вилоятларида хотин-қыздар құмиталари томонидан олиб борилаётгандар ишлар ўзинг самарасини бермаяпты. «Устоз шогирд» тизими асосида хотин-қыздарни ҳунармандчиликка жалб этиш, касаначилик асосида ишга жойлаштириш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасыда әмас. Масалан, касаначилик асосида хотин-қыздарни иш билан таъминлаяпмиз, лекин, улар оиласига даромат олиб келаяптими? ўз вақтида иш ҳақлари тұланаяптими? деган саволга ҳечкимдә жавоб йўқ.

Иш берувчи ташкилотлар томонидан касаначи аёлларга етарли буюртмалар берилмаяпты, натижада эса иш ҳақлари кам ҳисобланмоқда. Кўриниб турибдики, аёллар номига касаначилик асосида иш билан таъминланмоқда. Агар биз бандлик масаласыда юқоридаги муаммоларни ҳал қилмасак, хотин-қыздар үртасыда содир әтилаётгандар салбий ҳолатларни олдини олиш борасидаги ишлар ўзининг самарасини бермайди", — деди Танзила Норбоева.

Хотин-қыздар құмитаси раиси аёлларни бандлигини таъминлар борасыда белгилаб олинган вазифалар билан ҳам таништириб ўтди. «Шундай экан, бу борасыда ҳам амалга оширадиган вазифаларимизни аниқ белгилаб олишимиз мақсадда мувофиқ бўлади.

Биринчидан, Хотин-қыздар құмитаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда яратилған янги иш ўринлари тўғрисида хотин-қыздарнинг ҳабардорлигини ошириш чораларини кўриш зарур.

Жорий йилнинг ўзида республика бўйича 300 мингга яқин иш ўринлари яратилған, лекин бундан ахолининг ҳабардорлиги йўқ.

Уйма-уй юриш жараённанда кўраяпмиз ишсиз хотин-қыздар тўғрисидаги маълумотларда тафовут катта (Бандлика — 107 минг, уйма-уй юришда — 170 минг).

Иккинчидан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ҳар йили хотин-қыздарни, хусусан оғир турмуш шароитидаги хотин-қыздарнинг бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқиб, амалга оширишимиз лозим.

Учинчидан, Хотин-қыздар құмитаси Касаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорликда яратилған иш ўринларининг ҳаққонийлиги устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишимиш, шунингдек, муносиб меҳнат шароитларининг яратилғанлигини, иш ҳақларини вақтида берилаётгандын, қонунчиликда белгиланған имтиёзлардан фойдаланаётгандын ўрганишимиз зарур.

Бунинг натижасыда иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш борасыда Хукуматга тегишли таклифларни киритишимиш керак.

Меҳнат бозорида гендер тенгсизликка йўл қўймаслик ва гендер тенгликни таъминлаш биз Хотин-қыздар құмитасининг асосий вазифаси бўлиши керак.

Тўртинчидан, Хотин-қыздар құмитаси Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси билан ҳамкорликда хотин-қыздарни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Бунда, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқувлар ташкил этиш, бизнес режаларини ишлаб чиқишига кўмаклашиш масаласига әътибор қаратишимиш лозим.

Шунингдек, Мұхтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан жорий әтилған «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасыда хотин-қыздарни тадбиркорликка жалб этишишимиз, «Устоз-шогирд» тизимини янада кучайтишишимиз ва имтиёзли кредитлар олишига ёрдам беришишимиз керак.

Бешинчидан, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ажратилаётган имтиёзли кредитларни асосан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш йўналишига сарфланишини ва мақсадли ишлатилишини ташкил этишимиз керак бўлади", — деди Танзила Норбоева.

2014–2017 йиллар давомида ажримлар сони ҳар йили ўртacha 3–4 фоизга ортиб борган – Танзила Норбоева

Олий суд билан Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида Меморандум имзоланиб, ажрашишга аризага берганларнинг дастлаб Хотин-қизлар қўмитасида сұхбатдан ўtkазиш ва ажрим юзасидан хулосасини олиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2014–2018 йиллардаги фаолияти якунлари ва келгусидаги вазифалари сархисоб қилинди. Бу ҳақда қўмитаси матбуот хизмати «Газета.uz»га маълум қилди.

Ушбу тадбирда Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева маъруза қилди ва оилавий ажримлар масаласига тўхталиб ўтди.

«Ўтган икки йил давомида оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Бу борада ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Адлия вазирлиги тизимида бўлган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш идоралари туман ёки шаҳар ҳокими ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раисига бўйсундирилди. Натижада, улар томонидан нафақат никоҳ муносабатларига оид ҳужжатларни расмийлаштириш, балки оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича ҳам фаол иш олиб бориши белгиланди.

Оилавий ажримларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига судга ёки ФХДЁ органларига ажрашиш учун ариза берган шахслар тўғрисида маҳалла фуқаролар йиғинларини ҳабардор қилиш бўйича алоҳида норма киритилди. Ажрим оқибатида уй-жойсиз қолиб кетаётган аёллар ва уларнинг фарзандларини манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Уй-жой кодексининг 32-моддасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўрнатилган тартибда қонун лойиҳаси киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби белгилаб қўйилди.

Олий суд билан Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида Меморандум имзоланиб, ажрашишга аризага берганларнинг дастлаб Хотин-қизлар қўмитасида сұхбатдан ўtkазиш ва ажрим юзасидан хулосасини олиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўзида 27 мингта ажрим ёқасига келиб қолган оилаларнинг 78 фоизи яраштирилди. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини

ёзиш органлари билан Хотин-қизлар қўмиталарининг маҳаллалардаги мутахассислари ҳамкорлигига муддати ўтган (1 йилдан ошган) 7 мингга яқин туғилганлик, 800 тадан ортиқ ўлим гувоҳномалари расмийлаштирилиб, фуқароларга топширилди.

Шунингдек, 23 минг 120 та никохини қонуний расмийлаштирилмаган оиласлар аниқланиб, уларнинг 67 фоизини никоҳ қонуний расмийлаштирилди. Аммо, оиласларни мустаҳкамлаш, оиласлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ажримларнинг олдини олишда етарли самара бермаяпти. Жумладан, оилавий ажримлар бўйича таҳлиллар кўрсатмоқдаги 2014–2017 йиллар давомида ажримлар сони ҳар йили ўртacha 3–4 фоизга ортиб борган, биргина жорий йилнинг 11 ойи давомида ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 43 тага ошган. Натижада эса жорий йилнинг ўзида 22 минг нафардан ортиқ вояга етмаган болалар отасининг ёки бўлмаса онанинг меҳридан маҳрум бўлган.

Таълим муассасалари билан жамоатчилик вакилларининг ҳамкорлиги самарали ташкил этилмаганлиги оқибатида никоҳ ёшини қисқартириш ҳолатлари қайд этилмоқда. Масалан, 2015–2018 йиллар давомида жами 36 та ҳолатда никоҳ ёши қисқартирилган. Оилавий ажримларнинг 50–60 фоизи оилавий келишмовчилик, қолгани фарзандсизлик, узоқ муддат бир оила бўлиб яшамаслик, хиёнат, ичкилик ва гиёхвандликка ружу қўйиш сабабли келиб чиқмоқда", — деди Хотин-қизлар қўмитаси раиси.

Танзила Норбоева шунингдек ёшларни ҳаётга тайёрлаш бўйича тизимли ишларни ташкил қилинмаганини билдириди. «Биз бугунги кунда қайд этилган салбий ҳолатларнинг асосан оқибати билан ишлаб қоляпмиз. Олдини олиш борасида ёшлар билан ишлаш, уларни ҳаётга тайёрлаш бўйича тизимли ишларни ташкил қилинмаяпти. Мамлакатимизда бола туғилишидан то оилавий муносабатга киришишгача бўлган даврда уларнинг таълим-тарбияси билан ишлайдиган мустаҳкам тизим яратилган.

Яъни, тибиёт ходимлари туғилгандан соғлиги борасида қайғурса, боғча, мактаб, коллеж, олий таълим муассасалари маҳалла билан бирга, уларнинг билим ва тарбия олишига ҳамда касб эгаллашига кўмаклашади. Лекин, ёшларни ҳаётга тайёрлашда ушбу тизимлар билан жамоатчилик ўртасида узвий ҳамкорлик, ягона ёндашув тизими йўқ. Шу сабабли, мазкур йўналишда, биринчи навбатда, барчамиз бирлашган ҳолда ёшларни ҳаётга тайёрлаш бўйича ягона Концепцияни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилишимиз зарур.

Иккинчидан, оиласларни мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва оиласлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида ҳам манзилли ишлашимиз шарт. Бунда, ажрим ёқасига келиб қолган оиласларни аниқлаб олиш ва уларнинг муаммоларини кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда ҳал қилишимиз керак.

Учинчидан, «Оила» маркази билан ҳамкорликда ФХДЁ органларига турмуш қуриш учун ариза берган ёшларни оилавий муносабатларга тайёрлаш борасида қисқа ўқувлар ташкил этишимиз, шунингдек таълим вазирликлари билан ҳамкорликда ёшларни ҳаётга тайёрлаш ишларини ташкил этишимиз лозим.

Тўртинчидан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Оила» маркази билан ҳамкорликда никоҳдан ўтвучи ёшларни тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиши таъминлашимиз ва хотин-қизлар ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, скрининг текширувларининг афзалликларини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарур бўлади".